

## Фикрлашни ўрганайлик ва ўргатайлик

(Рахимов Х.Р., ЎДЖТУ профессори)

### Аннотация

*Мазкур маърузада чет тил ўқитиш соҳасидаги традицион анъаналардан бўлган асосий тўрт малакалар тизими эскириб бораётгани ватуларни такомиллаштириш ниятида илгари сурилаётган янги инноватив малакалар, жумладан фикрлаш ва таржима қилиш билими, кўникмаси, малакаси ҳамда компетенцияси ҳақида таклифлар муҳокамага қўйилган. Авторнинг фикрича айнан шундай тизим ва ёндашиш асосида чет тиллар соҳасида кўзланган мақсадга эришилиши мумкин.*

### Калит сўзлар:

*чет тиллар таълими ва ўқитиш методикаси, билим, кўникма, малака, лаёқат (компетенция), фикрлаш, тафаккур, таржима қилиш, инновация*

Таълим сифатини ошириш йили ҳам ўтиб кетди. Кузатсам, кутилган сифат ошиши сезилмаётганга ўхшаяпти. Ё Сиз сезаяпсизми? Ўтган йилларда ҳам йиллар инерцияси билан келаётгандаймиз. Хусусан чет тилларни ўқитиш тизимимизда ўша эски тўртта малака – *гапириш, ёзиш, ўқиш ва тинглаб-тушунишни* ўргатишда давом этаяпмиз. Бироқ янги йилда янги натижа ўзини кўрсатмаяпти. Икки-уч йилдан бери бошланган чет тил билиш даражаларини тасдиқловчи А, В ва С1 сертификатларни олаяпмизу, шу сертификати борларнинг оғзаки ва ёзма нутқларига диққат билан эътибор қилсангиз, уларнинг нутқида турли фонетик, грамматик ва лексик хатолар қулоққа ва кўзга чалинмоқда. Чет тилчи мутахассислар аудиторияда талабалр билан чет тилда мулоқот қилаётгандирлар, бироқ кафедраларда ва бошқа ўзаро йиғилишларда мазза қилиб ўзбекча ҳангома қилишда давом этаяпмиз; айниқса номдор, унвондор, амалдор, даражадор профессор-ўқитувчилар шу аҳволдамиз. Шу кўпчилик “дор”лар бир-бирини кўллаб-кўлтиқламоқда, ошкора равишда ҳам кўпаймоқда. Уялишни унутиб қўяпмиз, мақтанишни қойиллатаяпмиз. Ҳақиқикий билим ва илм эгалари йўқ эмас, бироқ уларга

хавас қилиш ўрнига, ҳасад тошларини икков-уччов бўлиб отаяпмиз. Буларнинг сабаби бор, албатта: Асосий сабаб - имонимиз заифлашиб бормоқда, ибодатда мунофиқлашмаяпмиз: тилу либосда - мусулмон, дилу ботинда – шайтон бўлиб бораяпмиз.

Миллатимиз - ўзбек, бошимизда эса дўппи кўринмай қолди. Айниқса шаҳарда дўппи кийсангиз, тинчликми, деб сизга ҳамдардлик билдиришни бошлашади. Дўппи миллий либослик хусусиятини йўқотиб, у мусибат белгиси, қоқоқлик, қишлоқлик, маданиятсизлик аломати бўлиб қолаяпти. Дўппи кийишга айниқса айрим катта-кичик раҳбарлар уялмоқдалар...

**Иккинчи сабаб** – таълим ва тарбия тизимларимиз қайта кўриб чиқиладиган бўлиб қолаяпти. Бугунги ҳолат бир кунда пайдо бўлмади, албатта. Мактабда бир кун ҳам ўқитувчи, раҳбар, туман ва ёки вилоят таълим муассасига бошлиқ бўлмаган одамни мактаблар вазири қилиб қўйдик. Бошқа айрим соҳаларда ҳам аҳвол шундай: нашриётда муҳаррир ва босмаҳона ҳидини ҳидламаган мебелчи тадбиркор одам давлат нашриётига директор, саломатлик соҳасида ишлаб кўлида шприц ушламаган ва беморни даволамаган иктисодчи одам соғлиқни сақлаш вазири бўлиб қолди. Жарроҳ-дўхтир эса бизнесмен ва савдо палатасига раҳбар бўлиб олди. Ана шу каби ҳолатлар жамиятни орқага тортмоқда. **Мингта фазилати** бор миллатимизнинг тақдири **асосан ТЎРТта иллат** исқанжасида қийналмоқда: **бу иллатлар - Осиё бўйлаб оралаб юрган шарпа - ИНҚИРОЗ ШАРПАСИ. Бу иллатлар: қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, маҳаллий юртдошчилик ва порахўрлик** шаклида намоён бўлмоқда... Уларнинг илдизлари чуқур. Бироқ уларни юлиб ташлаш вақти келмадими? Ёки бу ишни фарзанд ва невараларга мерос қилиб қолдирамизми?! Аммо бунга мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга бел боғлаган ЁЛҒИЗ Президентнинг кучи етармикин?! Қаёққа қарасин бечора?! Бир-икки йилда қоп-қора сочлари оқариб кетди. Бунга **умумхалқ маърифий хашари** керак. Келинг, **ЯНГИ УЗБЕКИСТОННИНГ** ҳамма соҳасида ва ҳамма жойида **ЯНГИЛАНИШ**

хашари қилайлик. Йил давомида. Жаннатмакон юртимизни шу тўрт иллатдан тозалайлик. Бунинг учун референдум ўтказиш шарт эмас. Бу ишни аввало биз зиёлилар оммавий тарзда бошлашимиз лозим. Ривожланган миллат ва давлатлардан тажриба ва ўрнатма олайлик. Шундай ибратли давлатлар бор: Шарқда Сингапур, Ғарбда Олмония. **Аммо бу катта ишни бошлаш учун фикрлайдиган, ўйлаб иш қиладиган тажрибали, имони бутун зиёли раҳбарлар, замонавий жадиждлар керак.** Юртимизда барча соҳаларда ўз соҳасини юқори даражада эгаллаган мутахассислар йўқ эмас - бор, шуларга берайлик раҳнамоликни. Маҳаллий ва соҳа раҳбарлигига соҳанинг ўзидан раҳбар топиб сайлайлик. **Ривожланган чет элларда билим ва илм ўрганиб келаётган компетент ёшларга берайлик жиловни!** Хушомадгўй ва пахта кўювчиларга бермайлик амал ва унвонларни. “Пахтачилик” оқламади ишончни...

Таълим, айниқса чет тил таълими соҳасига қайтсак, **биз ўқувчи ва талабаларни гапириш ва ёзишга ўргатишдан олдин уларни фикрлашга, тафаккурга ўргатайлик.** Ахир бирор бир фикрни бошқа тил эгасига айтиш учун гапирувчи “Нимани гапираман?”, деб ўйлаши керак-ми? Аммо шу ўйлаш, фикрлашни биламизми? Қай даражада? Ким бизга ўйлашни ўргатди? Ота-онамизми? “Ўйлаб гапир!”, деб талаб қилишади, аммо “ўйлашни қандай ўрганай?”, деган саволга на уйда, на мактабда тизимли ва жўяли жавоб топдик. Шу ўйлаб-ўйламай, онг остида тахминан маълум бир касбни манфаат юзасидан танлаган ёшларга биз у ўйламаган фикрни таржима қилдиришимиз ва уни чет тилда гапиртиришимиз талаб қилинапти. Билим, кўникма, малака ва лаёқат поғонасидаги 4 та фаолият тури бўлган чет тилларда **фақатгина гапириш, ёзиш, ўқиш ва тинглаб тушуниш тизими** эскириб бормоқда ва кутилган натижа бермай қўйди-ки, шу фаолият турлари бўйича С1 даражаси сертификати олганларнинг кўпчилигининг нутқи (*гапириши ва ёзиши*)да талаб қилинган стандарт *билим, кўникма, малака* ҳамда *лаёқатлар* кўринмаяпти. **Сабаб шуки, бу талаблар иерархияси (пиллапояси) аввалида фикрлаш (ўйлаш) ва шу ўй-фикрни таржима қилиш зарурий**

**малакаси унутилмоқда... Аммо шу иерархиянинг дастлабки поғонаси ўйлаш, иккинчиси - ўйлаган фикрини таржима қилиши (чет элликка *айтиш* учун), шундан сўнггина учинчи поғонага чиқилиб, *гапириши* (ёки *ёзиши*) бажарилиши лозим. Дастлабки икки поғонага тайёр бўлмаган тил ўрганувчини бир сакратиб учинчи поғонага чиқариш ўзи бўладими? “Бути йирилиб, йиртилиб кетаяпти бечораларнинг”...Шу сабабдан кўпчилик С1 сертификати бор “чет тил мутахассислари” талаб даражасида *гапира* ва *ёза* олмаяпти. Гапирса ва айниқса *ёза* ҳам, оддий лисоний ва интерференция хатолари билан гапирмоқдалар ва ёзмоқдаларки, буни Давлат Тест Марази синовлари ҳам кўрсатиб турибди. **Ўзи ўрганолмаган ўқитувчи қандай қилиб ўргата олсин? Ўзи ўйламайдиган муаллим қандай қилиб фикрлашни ўргата олади?****

Хуллас, чет тил таълимида талаб қилинаётган *нутқ фаолияти турларини* қайта кўриб чиқиш вақти келди. Улар 4 та эмас, 6 та бўлиши керак:

- 1. Фикрлаш**
- 2. Таржима қилиши**
- 3. Гапириши**
- 4. Тинглаб тушуниши.**
- 5. Ўқиш**
- 6. Ёзиш**

*Ана шу малкавий кўникма ва компетенцияларни ОНА ТИЛИ дарсларидан бошлаб шакллантириши ва ривожлантириши масаласини кун тартибига қўядиган вақт келди. Шу сабабдан ОНА ТИЛИ Давлат*

*Таълим Стандартлари хам қайта кўриб чиқилиши керак. Чунки фикрлаш жараёни дастлаб она тилида содир бўлади.*

Янги **Фикрлаш** кўникмаси, малакаси ва лаёқати (компетенцияси)ни барча фанларда, **таржима қилиши** эса чет тиллар бўйича **Халқ таълими вазирлиги** ва **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** ўз ДТСларини қайта кўриб чиқиши ва барча фанлар ўқув ва ишчи дастурлари ҳамда ўқув адабиётларига интегратив ҳолда киритиши шарт. Акс ҳолда барча қилинаётган ишлар кутилган самара ва натижа бермайди. Халқимизда “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади”, деган нақл бор...

**“Ҳассамизни эса яна бир марта эмас, бир умр йўқотаверамизми???”**

Бу **янги методик-дидактик ёндашиш** ғоясини халқаро миқёсда камина илк бор таклиф қилаяпман ва буни халқаро методика назарияси ва амалиётига жорий қилиниши устида халқаро ҳамкасблар билан ҳамкорликда назарий тадқиқотлар олиб бораяпмиз, машқлар шаклида амалий ишланмалар тайёрламоқдамиз. Айнан шу масалада республикамиз она тили ва чет тиллар мутахассислари билан дидактик ва методик ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

(ЎДЖТУ профессори Хуррам Рахимов, [churram@mail.ru](mailto:churram@mail.ru))